



Improving the inaccuracy of meeting decisions

Sarvinoz KHASANOVA¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

15 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

15 October 2024

Keywords:

meeting resolution,
business entities,
shareholders,
corporate relations,
meeting minutes,
open voting,
absentee voting.

ABSTRACT

The article highlights the unique nature of the general meeting resolution as a legal document and examines the concept of authorship in relation to such resolutions. The general meeting serves as the supreme governing body of business entities, allowing shareholders or participants to exercise their rights, safeguard their interests, engage in management, and make critical decisions through voting. Consequently, the general meeting resolution holds strategic significance for the company. This underscores the need for legislative clarity in regulating both the content of general meeting resolutions and the procedures for their adoption—a perspective supported by numerous international scholars in this field.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss10/S-pp40-47>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Йиғилиш қарорларининг ҳақиқий эмаслигини такомиллаштириш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

йиғилиш қарори,
хўжалик жамиятлари,
акция эгалари,
корпоратив муносабатлар,
йиғилиши баённомаси,
очиқ овоз бериш,
сиртдан овоз бериш.

Ушбу мақолада умумий йиғилиш қарорининг ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўзига хос хусусияти тўғрисида маълумотлар берилган ҳамда йиғилиш қарорларига нисбатан муаллифлик таърифи келтирилган.

¹ Independent applicant, Tashkent State University of Law. E-mail: state_ma@bk.ru

Улучшение неточности решений заседаний

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

решение собрания,
хозяйственные общества,
акционеры,
корпоративные
отношения,
протокол собрания,
открытое голосование,
заочное голосование.

В данной статье представлена информация об уникальности решения общего собрания как юридического документа, а также о вопросе авторства в отношении таких решений. Общее собрание хозяйственных обществ является высшим органом управления, через который акционеры или участники реализуют свои права и интересы, участвуют в управлении и принимают важные решения посредством голосования. Решение общего собрания, в свою очередь, имеет стратегическое значение для общества. Это подчеркивает необходимость законодательного регулирования содержания решения общего собрания и порядка его принятия с четкими правилами, что также находит отражение в мнениях многих международных ученых по этому вопросу.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини ҳосил қиладиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган ҳар қандай ҳаракат содир этилгач унинг натижасида юзага келган ҳуқуқий оқибат тан олиниши, эътироф этилиши, амалга оширилиши мумкинлиги билан бирга, дастлабки ҳолатга қайтарилиши ҳам мумкин. Цивилистик доктринада бу – “ҳақиқий эмаслик” деб номланади. Асосан битимларга нисбатан қўлланиладиган мазкур ҳуқуқий институт муайян асослар ва шарт асосида амалга оширилади ва ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг дастлабки ҳолатига қайтишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида битимнинг ҳақиқий эмаслиги қонунчиликда белгиланган асосларнинг бузилиши, уларга риоя этилмаслиги ёки белгиланган талабларнинг четлаб ўтилиши оқибати саналади. Юридик адабиётларда мазкур масала бўйича бир қатор ўринли фикрлар билдирилган. Хусусан, Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича “битим ҳақиқий деб ҳисобланиши учун битим бўйича амалга оширилган ҳаракатлар юридик факт сифатида тан олиниши керак, акс ҳолда битим ҳақиқий деб ҳисобланмайди, унинг тарафлари учун улар хоҳлаган ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун асос бўла олмайди”.

Қ.А.Мусаевнинг битимнинг ҳақиқий эмаслиги бўйича ““нуқсонли битим”, “ҳуқуқий оқибатларнинг мавжуд бўлмаслиги”, “ҳуқуқбузарлик”, “эрк-ироданинг ифодаланмаганлиги” каби доктриналар” мавжудлигини таъкидлаб, “битимнинг ҳақиқий эмаслиги унинг иштирокчилари томонидан битим тузиш вақтида ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари натижасида вужудга келишига” эътибор қаратади.

И.Б.Зокировнинг ёзишича “битимга нисбатан белгиланган талабларга риоя қилмаслик битим тузилиши пайтида ҳақиқий саналса ҳам, кейинчалик бундай битимлар тўғрисида низо қўзғатилиши ва бундай битимлар тузилганидан сўнг тарафларга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъво қўзғатилгани ҳолда у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин”.

М.Й.Усмонованинг таъкидлашича “битимга хос шартлардан бирининг ёки бир нечтасининг бўлмаслиги уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади”.

Б.Қорёғдиевнинг қайд этишича “битим унинг тарафлари томонидан ўз олдиларига қўйган мақсад, юридик натижага эришишда юридик факт сифатида тан олинган ҳоллардагина ҳақиқий деб ҳисобланади ва битимга хос элементлардан биронтасининг ёки бир нечасининг камчилиги, яъни қонун талабига жавоб бермаслиги унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади”.

Фикримизча, битимларнинг, шу жумладан, йиғилиш қарорларининг ҳақиқий эмаслиги талаб қилинган шартлар, таомиллар ва тартиботга мос келмайди, уларга риоя этилмаганда юзага келади. Бироқ ҳақиқий эмаслик асослари қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши лозим бўлади. Чунки, ҳақиқий эмаслик масаласи амалга оширилган ҳуқуқий муносабатни дастлабки ҳолатга қайтарилиши бўлиб, бу тегишли ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ўзаро низолашишлари ёки даъво талабларига асосланади ҳамда кўпинча суд тартибида юз беради. Шу сабабли ҳам ҳақиқий эмаслик судга даъво қўзғатиш ва тегишли суд қарорини қабул қилиши ҳамда кучга кириши натижасида тарафлар учун мажбурийлик касб этади. Бошқа барча ҳолатларда ҳақиқий эмасликни қарши томон эътироф этмаслиги, унинг оқибатларига риоя қилмаслиги мумкин.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликда йиғилиш қарорларининг ҳақиқий эмаслигига оид алоҳида нормалар белгиланмаган. Бугунги кунда йиғилиш қарорларининг ҳақиқий эмаслиги асосан битимларга хос бўлган қоидалар асосида амалга оширилиб келинмоқда. Бу масалага эътибор қилар экан, М.Н.Саидов қуйидаги ўринли мулоҳазани билдиради: “умумий йиғилиш қарори ва битим ҳар хил тушунчалар ҳисобланади ва шу сабабли умумий йиғилиш қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларга битимларга оид нормаларни қўллашга йўл қўйилмаслик лозим бўлади” .

Фикримизча, йиғилиш қарорларининг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳам битимларнинг ҳақиқий эмаслигига оид нормалардан алоҳида шакллантирилиши ва уларга оид умумий нормалар ФКда ўз ифодасини топиши лозим бўлади. Йиғилиш қарори ҳам ҳақиқий эмаслиги юзасидан низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий эмас қарорларга бўлиниши мақсадга мувофиқ. Бу йиғилиш қарорини қабул қилишда қандай шартлар ва талаблар бузилганлигига ҳамда қабул қилинган қарорнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади. Шунингдек, йиғилиш қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда қандай ҳаракатлар амалга оширилиши борасида ҳам ФКда аниқ қоидалар ва талаблар белгиланиши лозим. Суд томонидан йиғилиш қарори ҳақиқий эмас деб топилганлиги тегишли равишда эълон қилиниши, бу ҳақдаги ёзув тегишли реестрга киритилиши ва шу каби процессуал хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилиши ҳақидаги қоидалар қонунчиликка киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан ФКнинг 128³-моддаси сифатида қуйидаги қоидаларни киритиш ўринлидир:

“Йиғилиш қарорнинг ҳақиқий эмаслиги

Йиғилиш қарори ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли (низоли қарор) ёки бундан қатъий назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган қарор).

Йиғилишнинг ҳақиқий бўлмаган қарори, агар қонунда унинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги белгиланмаган бўлса, низоли қарор ҳисобланади.

Агар йиғилиш қарори нашр қилинган бўлса, суд томонидан унинг ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги хабар суднинг қарорига асосан айнан ушбу нашрда ва процессуал қонунчиликка мувофиқ суд харажатлари зиммасига юкланган шахснинг ҳисобидан эълон қилиниши керак. Агар йиғилиш қарори ҳақидаги маълумот реестрга киритилган бўлса, йиғилиш қарори ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги суд қарори ҳақидаги маълумот ҳам тегишли реестрга киритилиши керак”.

Битимлар сингари, қонун чиқарувчи ҳам йиғилиш қарорларини низоли ва аҳамиятсиз (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган) қарорларга ажратди. Шу билан бирга, йиғилиш қарорининг низолигининг умумий презумпцияси мавжуд: йиғилишнинг ҳақиқий бўлмаган қарори, агар у қонундан келиб чиқмаса, ҳар доим низоли бўлади. Ушбу қоида халқаро тажрибага мос келади ва одатда кенг доирадаги шахсларнинг манфаатларига таъсир қиладиган йиғилиш қарорларининг максимал барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий этилган.

Йиғилиш қарори бўйича низода қарор қабул қилиш тартиби бузилганлик асосига кўра ҳақиқий эмас деб топилмайди, агар бу қарор навбатдаги йиғилиш қарори билан тўғриланган бўлса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ФКнинг 128⁴-моддаси сифатида қуйидаги нормани киритиш лозим бўлади:

“Йиғилиш қарорининг низолилиги

Йиғилиш қарори суд томонидан қонун талаблари бузилганда, шу жумладан қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

1) йиғилишни чақириш, тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартибининг йиғилиш иштирокчиларининг хоҳиш-иродасини билдиришига таъсир қиладиган даражада жиддий бузилишига йўл қўйилган бўлса;

2) йиғилиш иштирокчисининг номидан қатнашган шахснинг бунга ваколати бўлмаган бўлса;

3) йиғилишни ўтказишда иштирокчилар ҳуқуқларининг тенглиги бузилган бўлса;

4) баённомани тузиш қоидаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган, шу жумладан баённоманинг ёзма шаклига доир қоидалар бузилган бўлса.

Агар йиғилиш қарори суд қарор қабул қилгунга қадар белгиланган тартибда кейинги йиғилишда тасдиқланган бўлса бундай қарор суд томонидан қарор қабул қилиш тартиби билан боғлиқ асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Тегшли фуқаролик-ҳуқуқий ҳамжамиятнинг йиғилишда иштирок этмаган ёки низоли қарорни қабул қилишга қарши овоз берган иштирокчиси ушбу йиғилиш қарори юзасидан судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

Йиғилишда қарор қабул қилинишини ёқлаб овоз берган ёки овоз беришдан ўзини тийган йиғилиш иштирокчиси, агар унинг овоз беришдаги хоҳиш-иродаси бузилган бўлса, ушбу судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

Агар низолашилатган қарор ҳуқуқига дахл қилувчи шахснинг овоз бериши қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаган бўлса ва бу қарорнинг қабул қилиниши ушбу шахс учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқармаса, бундай қарор суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Йиғилиш қарори бўйича у қабул қилиниши туфайли ҳуқуқлари бузилган шахс бу ҳақида билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой мобайнида, лекин қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар тегишли фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари учун ошкор этилган кундан бошлаб икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатда судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

Йиғилиш қарори бўйича низолашаётган шахс тегишли фуқаролик-ҳуқуқий ҳамжамият иштирокчиларини судга даъво билан мурожаат қилиш нияти ҳақида олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиши ва уларга ишга алоқадор бошқа маълумотларни тақдим қилиши шарт. Процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда бундай даъвога қўшилмаган, жумладан ушбу қарор бўйича низолашиш учун бошқа асосларга эга бўлган тегишли фуқаролик-ҳуқуқий ҳамжамият иштирокчилари кейинчалик худди шу қарор бўйича низолашиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлмайди, суд бундай мурожаат сабабини узрли деб топган ҳоллар бундан мустасно.

Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган низоли йиғилиш қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас ҳисобланади”.

Йиғилиш қарори низоли деб топилиши учун қуйидаги асослар мавжуд бўлиши лозим:

1) йиғилиш иштирокчиларининг иродасига таъсир кўрсатадиган йиғилишни чақириш, тайёрлаш ва ўтказиш тартибининг жиддий бузилиши. Йиғилишни чақириш, тайёрлаш ва ўтказиш бўйича формал қоидаларнинг бузилиши унда қабул қилинган қарорнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши мумкин эмас. Агар низоли қарор ҳуқуқларига таъсир кўрсатган шахснинг овози унинг қабул қилинишига таъсир қилмаса ва қарор ушбу шахс учун жиддий салбий оқибатларга олиб келмаса, йиғилиш қарори ҳақиқий эмас деб топилиши нотўғри бўлади. Эътибор бериш лозимки, ФКнинг 382-моддасида ҳам қонун чиқарувчи “бузилишнинг жиддийлиги” мезонидан фойдаланиб, унинг маъносини ошкор қилмайди. Бизнинг фикримизча, бузилишнинг муҳимлиги, агар у қонуний равишда аниқланган бўлса, йиғилиш қарорининг ҳақиқий эмаслиги учун асос бўлиши лозим. Масалан, ФКда “муҳим” атамасини қўллашнинг бошқа ҳолатларида бўлгани каби (ФКнинг 122-моддаси биринчи қисмида янглишишнинг жиддийлиги белгиланади ва унинг изоҳи берилмайди).

Шундай қилиб, йиғилиш қарори бўйича низолашилганда, мулкдор йиғилишни чақириш, тайёрлаш ва ўтказиш тартибининг бузилиши унинг ҳуқуқларининг сезиларли даражада бузилишига олиб келганлигини ва унинг иродасини ифода этишига таъсир қилганлигини исботлаши лозим. Агар йиғилишни тайёрлаш ва ўтказишдаги хатолар бино мулкдорларининг фикрини шакллантириш жараёнига таъсир қилмаса, унда улар аҳамиятсиз бузилиш деб ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, агар кворум мавжуд бўлган ҳолларда йиғилиш ўтказиш ҳақида мулкдорни хабардор қилмаслик ёки лозим даражада хабардор қилмаслик, йиғилиш ҳақида маълумот жойлаштириш муддатларига риоя қилмаслик муҳим бўлмаган бузилишлар жумласига киради. Судлар йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш пайтида содир этилган бузилишлар фактини тан олиб, маълум бир шахснинг йиғилишда иштирок этиши унга тегишли биноларнинг майдонини ҳисобга олган ҳолда овоз бериш натижаларига таъсир қила

олмаслигини, йўқотишлар эса қабул қилинган қарор билан боғлиқ эмаслигини кўрсатишади;

2) йиғилиш иштирокчиси номидан қатнашадиган шахс ваколатга (ишончномага) эга эмаслиги. Йиғилишда нотўғри иштирок этган иштирокчи вакилининг овозини ҳисобга олиш кворумнинг нотўғри ҳисобланишига олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, йиғилиш қарорининг ҳақиқий эмаслигига (аҳамиятсизлигига) олиб келади;

3) йиғилишни ўтказиш пайтида иштирокчилар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши. “Тенглик” категорияси норматив-баҳоловчи хусусиятга эга бўлиб, қонун нормаларининг мазмунига киритилган, йиғилиш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигида мужассамланган. “Тенглик” категориясининг баҳоловчи табиати йиғилишда қабул қилинган ҳар қандай қарор юзасидан низолашиш хавфини юзага келтиради. Йиғилиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши тўғрисидаги хулосалар бутунлай суд қарорига боғлиқ. Уй-жой секторида тенглик принципи уй-жой ҳуқуқий муносабатларининг барча иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатини кафолатлайди. Тенглик қонун ҳужжатларида барча иштирокчиларга йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш, бундай йиғилиш натижаларини расмийлаштириш учун ягона талабларни белгилаш, шунингдек йиғилишнинг ҳар бир иштирокчисига ўз хоҳиш-иродасини (таклифлари, баёнотлари, мулоҳазалари) билдириш ҳуқуқини бериш орқали амалга оширилади. Тенглик учинчи шахсларнинг мулкдорлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига аралашуви билан бузилиши мумкин. Учинчи томон деганда давлат органларининг вакиллари ва йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо қарор қабул қилишда эгаларига таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар тушунилиши керак. Тенгликнинг бузилиши йиғилишнинг бир иштирокчиси учун бошқасига нисбатан ноўрин ва асоссиз афзалликларни яратиш, йиғилишда нутқ сўзлаш учун вақт беришда тенг бўлмаган муомала бўлиши мумкин, бу эса эътирозлар билдирилмаслигига олиб келди. Масалан, йиғилиш раиси ёки бошқарув ташкилоти вакиллари бошқаларга нисбатан индивидуал мулкдорнинг (баёнотларини) ифода этишни чеклашлари мумкин эмас.

Юқорида таъкидланганидек, ФКда йиғилиш қарорларининг низоилиги асослари билан бирга, уларни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топишга оид қоидалар ҳам назарда тутилиши зарур. Бу айтиш пайтда йиғилиш қарорларининг битимдан фарқ қилувчи хусусиятлари билан боғлиқ саналади. Зеро, йиғилишни ташкил этиш, ўтказиш таомилларига риоя қилиш ҳамда йиғилиш қатнашчиларининг турли хилдаги ҳуқуқ ва ваколатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар одатдаги ҳаракатдан иборат бўлган битимлардан буткул фарқ қилади. Шу муносабат билан ФКнинг 128-моддаси сифатида “Йиғилиш қарорининг ўз ўзидан ҳақиқий эмаслиги” номли моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

“Йиғилиш қарорининг ўз ўзидан ҳақиқий эмаслиги

Агар қонунда бошқача белгиланган бўлмаса, йиғилиш қарори қуйидаги ҳолларда ўз ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади:

1) қарор кун тартибига киритилмаган масала юзасидан қабул қилинган бўлса, йиғилишда тегишли фуқаролик-ҳуқуқий ҳамжамиятнинг барча иштирокчилари қатнашган ҳоллар бундан мустасно;

2) қарор зарурий кворум бўлмаган ҳолда қабул қилинган бўлса;

3) қарор йиғилиш ваколатига кирмайдиган масала юзасидан қабул қилинган бўлса;

4) қарор ҳуқуқ тартибот ва ахлоқ асосларига зид бўлса”.

Таъкидлаш лозимки, йиғилиш қарорининг бекор қилиниши учун асослар рўйхати ёпиқ бўлиши лозим. Қарорнинг аҳамиятсизлиги учун қонун ва ҳуқуқ тартибот ёки ахлоқ асосларига (жамият асосларига қарши қарор) зид келадиган асосга алоҳида эътибор қаратиш лозим. “Ҳуқуқ-тартибот асослари” ва “ахлоқ асослари” тушунчалари “оқилоналик” ва “инсофлилик” категориялари билан бир қаторда баҳоланади ва уларнинг ноаниқлиги бузилишнинг табиати ва юз берган оқибатлар фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш жараёнида, барча фактик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда бартараф этилиши мумкин.

Бинобарин “ҳуқуқ-тартибот асослари” ва “ахлоқ” тушунчалари, барча баҳоловчи тушунчалар сингари, фуқаролик муомаласи иштирокчилари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти томонидан қандай талқин қилинишига қараб мазмунан тўлдирилганлигини таъкидлаш лозим. Жамият асосларига қарши битим битимнинг таснифлаш хусусияти айнан битимнинг ноқонуний мақсади, яъни бундай натижага эришиш, бу нафақат қонун ёки ахлоқий меъёрларга жавоб бермайди, балки фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун атайин ва аниқ – ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ асосларига зиддир. Агар суд низоси пайтида битим тарафларидан камида биттасида борлиги аниқланса, битимнинг мақсади ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ тамойилларига атайлаб зид деб тан олиниши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, жамият асосларига қарши битимларни тушунишга турли хил ёндашувларни умумлаштириб, биз жамият асосларига қарши қарорни қабул қилиш ва амалга ошириш ижтимоий хавф туғдирадиган, давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига ва жамиятнинг ҳуқуқий асосларига тажовуз қиладиган, ноқонуний ва ахлоқсиз мақсадларга эга бўлган, жамиятда ҳукмронлик қиладиган яхши хулқ атвор, яъни эзгулик ва ёвузлик, яхши ва ёмон хулқ-атвор ғояларига зид қарор деб тушунишни таклиф қиламиз. Йиғилиш қарорини шу асосда ҳақиқий эмас деб тан олиш, маълум бир шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун эмас, балки оммавий ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолатларида қўлланилиши зарур. Бундан ташқари, йиғилиш иштирокчиларининг аксарияти нафақат хабардор бўлишлари, балки қарор қабул қилишнинг зарарли оқибатларини ҳам хоҳлашлари талаб этилади.

Мулқдорларнинг жамият асосларига қарши қарорлари, масалан, мулкдорлар ва ижарачиларига лифтларда ва кўп қаватли уйларнинг умумий жойларида чекишга рухсат берувчи қарор, мулкдорларнинг оммавий ахборот воситаларида учинчи шахсларни обрўсизлантирадиган маълумотларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек урушни миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай қарорларни ўз ичига олиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2382409>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-II-сон қонуни // <https://lex.uz/docs/22525#22970>
3. Морозова Л. А. Теория государства и права. – М.: 2007. – С. 248.
4. Ганижев А.Я. Правовая природа и виды решения общего собрания хозяйственного общества // Журнал российского права. 2012. – № 8. – С. 116.
5. Хегай Е.М. Правовой статус общего собрания акционеров по российскому законодательству: порядок организации работы, принятия и обжалования решений: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2009. – 7 с.
6. Савиков А.В. Правовое положение общего собрания акционеров по законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2004. – С. 6-7.
7. Канатова А.К. К вопросу о месте общего собрания акционеров в управлении акционерным обществом // Matters of Russian and International Law. 2019, Vol. 9, Is. 2A. – С. 110.
8. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 272 б.
9. Витрянский В.В. Новеллы о сделках и решениях собраний // Хозяйство и право. 2016. № 1 (Приложение). Приведено по СПС “КонсультантПлюс”.
10. Филиппова С.Ю. Юридические действия как юридические факты в российском гражданском праве: дисс. докт. юрид. наук. – М.: 2021. – 207 с.
11. Коваленко Ю.Н. Развитие альтернативных форм проведения общих собраний собственников // Гражданское право. 2022. – № 1. Приведено по СПС «КонсультантПлюс»; Шевченко И.М. О некоторых вопросах оспаривания решений собрания кредиторов в делах о банкротстве // Закон. 2020. – № 9. Приведено по СПС «КонсультантПлюс».
12. Сарбаш С.В. Исполнение договорного обязательства. М.: Статут, 2005. Приведено по СПС КонсультантПлюс.
13. Мотовиловкер Е.Я. Спорные вопросы теории сделок // Вестник гражданского права. 2011. N 4. Приведено по СПС «КонсультантПлюс».